



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 32 (12.593)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Отабек Мирсатова (ЎЗА) раёнида

Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаларига дунёнинг кўпгина давлатларида бўлгани сингари Ҳиндистонда ҳам қизиқиш катта. Ушбу мамлакатнинг маданий-гуманитар доиралари вакиллари ҳамда спорт соҳаси мутахассислари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2013 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалар бунини яққол тасдиқлайди.

КЕЛАЖАККА САРМОЯ

— Мен дунёнинг қатор мамлакатларида спортнинг муайян турлари бўйича фаолият юритадиган жамғармалар борлигидан хабардорман. Бироқ Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор алоҳида диққатга сазовордир, — дейди Ҳиндистон Енгил атлетика федерацияси маҳаллий мусобақалар департаментининг директори Равиндер Шарма. — Бундай жамғарма мамлакат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ташкил этилгани ва унинг Ҳомийлик кенгашига Президентнинг ўзи раислик қилиши ҳам Ўзбекистонда болалар спортини ривожига муносабат қай даражада юқори эканлигини кўрсатади.

Мен ўзбекистонлик ёш спортчиларнинг нималарга қодирлигини ўтган йилнинг июлида Пуна шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида кўрган эдим. Ушунда Ўзбекистон жамоаси дунёнинг 43 мамлакатидан келган минг нафардан зиёд спортчилар орасида ўзларининг қаққонликлари ва тиришқоқликлари билан эътибор қозониб, фахрли учинчи ўринни эгаллашганди. Ўйлаб қарасам, ўша йигит-қизлар кўлга киритган муваффақиятлар Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти доирасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар натижаси экан. Дарҳақиқат, баркамол авлод тарбияси — келажак учун муносиб сармоядир.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президент Ислам Каримов томонидан диққатга молик маълумотлар келтириб ўтилди. 2013 йилда бу соҳада олиб борилган ишлар сарҳисоби ҳеч қандай бефарқ қолдирмайди, деб ўйлайман. Мамлакатда 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар мусика ва санъат мактаби

қурилгани ҳамда фойдаланишга топширилгани, шубҳасиз, алоҳида эътиборга сазовордир.

Мазкур йиғилишда «Соғлом бола йили» деб номланган 2014 йилда ҳам юртингизда бу йўналишдаги ишлар изчил давом этирилиши, яъни 115 спорт объекти ҳамда 48 болалар мусика ва санъат мактабини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур анжом ва ускуналар билан таъминлаш масалалари устувор вазифа сифатида белгилангани ҳам эътирофга лойиқ.

Ҳиндистон Ижро санъати ва меъёрий фаолиятни ўргатиш уюшмаси (ALPANA) вице-президенти Бижай Кумар Даш «Мамлакатни дунёга танитадиган соҳалар сирасига кирадиган спорт ва санъатга муҳаббат ёш авлод онгиде барвақт шакллана экан, бу уларнинг баркамол бўлиб воғга етишига ижобий таъсир кўрсатади» дея таъкидлади.

— Шу жиҳатдан олиб қараганда ҳам Ўзбекистон раҳбариятининг оқилона сиёсати таҳсинга лойиқдир, — деди у. — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт билан бирга, мусика ва санъат мактабларига катта эътибор қаратилаётгани ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Чунки, спорт ёшларни интилишга, ғалаба қозонишга, мардлик ва ҳалолликка ўргатади, санъат эса уларнинг қалбини эзгуликка ундайди, гўзалликка ошно қилади.

Мен Ўзбекистонга борган чоғларимда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги турли халқаро мусобақа ҳамда танловларда мураббий ёки кузатувчи сифатида иштирок этганман. Ёш ўзбек спортчилари кўлга киритган ғалабаларга шахсан шохид бўлганман. Шу ўринда бадиий гимнастика соҳасида мамлакатингиз эришяётган муваффақиятларини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

«Жаҳон» АА
Дехли



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Анжуман доирасида вилоятда фаолият кўрсатаётган ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

• Наманган вилояти Чуст туманининг «Гулистон» маҳалласида ташкил этилган аёллар ва болалар кийимлари, чойшаб каби ўн икки турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги «Олмос Нисора Бону» хусусий корхонасида йигирма нафардан зиёд хотин-қиз иш билан таъминланди.

• Жарқўрғон туманидаги «Гулҳовуз» маҳалласида замонавий кишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур шифо маскани сўнги русумдаги тиббий анжомлар ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминланди.

• Самарқанд санъат коллежида буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд саналари муносабати билан «Назм ва наво» адабий-бадиий кечаси ўтказилди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан таълим муассасаларида «Биз — иллатларга қарши курашишга қодир ёшлармиз!» лойиҳаси доирасида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Бағдод педагогика касб-хунар коллежида бўлиб ўтган шундай тадбирда иштирокчиларга «Беш таҳдидга беш зарба» видеоролиги намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

• Франциянинг ғарбий ҳудудларида ёпирилган «Петро» номли кучли тўфон жиддий талафотларга олиб келди. Шамолнинг тезлиги сониясига 41 метрни ташкил этган тўфон оқибатида 25 мингга уй электр энергиясиз қолди. Табиий офатдан айниқса Бретань ярим оролидаги Финистер департаменти кўпроқ зарар кўрган. Ҳозирда тўфондан жабр кўрган ҳудудларда табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда.

• Малининг шимолий қисмида Халқаро Қизил Хоч қўмитасининг тўрт нафар ходими бедарак йўқолди.

• АҚШнинг Лоренсвилл шаҳри яқинида жойлашган супермаркетда рўй берган отишма чоғида икки киши жароҳатланган. Полиция томонидан ушбу жиноятни амалга оширишда гуноҳ қилинаётган икки киши кўлга олинди.

• Кор йўқлиги сабабли Болгариядаги курортларда нарх-наволар 50 фоизга туширилди. Бунда қуйи тоифадаги меҳмонхоналарда нархларнинг энг паст даражага туширилганлиги кузатилмоқда.

• Буюк Британиянинг ўпка касалликлари қарши курашиш бўйича фонди маълумотларига қараганда, мамлакатда ҳар ҳафтада 11 ёшдан 15 ёшгача бўлган 430 мингдан ортиқ болалар ота-оналари ёки яқинларининг машиналарида бўлган чоғларида сўст чекувчиларга айланадилар. Бундай салбий ҳолатнинг олдини олиш мақсадида Британия парламенти томонидан салонда болалар бўлган шахсий машиналарда чекишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ЭЗГУ ОРЗУ

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида ҳарбий хизматга қаққилувчиларни Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафига кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги қаққилуви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуроли Кучлар резервида бўлатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар иштирок этди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник А.Рустамов ва бошқалар мамлакатимиз Қуроли Кучларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида ҳарбий хизмат ёшларимиз учун шон-шараф ишига айлангани, амалдаги синовлардан муваффақиятли ўтган, ҳар жиҳатдан етук йигитларгина саралаб хизматга жўнатилаётганини таъкидлашди. Синовлар жараёнида йигитларнинг

аксарияти ажойиб натижа кўрсатди. Улар орасида маҳоратли спортчилар ҳам бор. Бугун ҳарбий хизматга қаққилувчиларнинг армияда хизмат қилишдек эзгу орзулари ушалмоқда.

— Ҳарбий хизмат нафақат конституциявий бурч, балки фахр ва шарафдир, — дейди қаққилувчи Д.Асадуллаев. — Ҳарбий хизмат мен учун ҳамиша Ватанга муҳаббат ва ватанпарварликнинг юксак намунаси бўлган. Саралаш танловларидан муваффақиятли ўтганимдан хурсандман. Чунки армиямиз сафларида хизмат қилиш болалик орзуим эди. Бу мақсадга эришимда спорт билан астойдил шуғулланганим ҳамда мактаб ва касб-хунар коллежида яхши ўқиганим ёрдам берди. Келажакда Қуроли Кучлар сафига қолиб, ҳарбий хизматни давом эттиришни ният қилганман.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА муҳбири

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Февраль ойи ўлкамиз учун ноодатий тарзда совуқ келди. Ҳароратнинг кескин пасайиб кетиши, катта миқдорда бўлиб ўтган ёғингарчиликлар ва қалин қор ёғиши, шак-шубҳасиз, пойтахтнинг коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлари, ҳокимликлар олдига қатор қутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Газ ва электр таъминотидаги эҳтиёжнинг бир неча баробар ортиб кетиши, йўлларнинг музлаши ва ҳоказо масалалар албатта бу хизматларнинг узлуксиз ва катта масъулият билан ишлашига олиб келди.

Ҳозирда об-ҳаво ҳароратида бироз енгиллик юзага келгандек. Бироқ шахримизнинг кўплаб кўчалари, айниқса офтоб тушмайдиган жойларда ҳали яхмалак бўлиб ётган ҳудудлар анчагина. Мана шу ҳолатдан қелиб чиқиб шаҳар ҳокимининг фармойишига мувофиқ 15-16 февраль кунлари умумшаҳар ҳашарини ташкил этишга қарор қилинди.

Фармойишга кўра, пойтахтдаги ўрганиб чиқилган 63 та кўчага алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда йўллардаги муз қоплаган жойларни тозалаш, шунингдек, ҳали олиб кетишга улгурилмаган қор уюмларини олиб чиқиш, йўлларда қорнинг тезроқ эриши учун туз-қум аралашмаси сепиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Фар-

мойишда шаҳардаги савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш шохобчалари атроф-ҳудудларини, бозорларнинг кириш қисмларини қордан тозалаш ишларини ташкил этиш ҳам белгиланган. Қор уюмлари ва чиқиндиларни олиб чиқиш кетиш учун қўшимча транспорт воситалари жалб этилиб, бу иш тизимли равишда ташкил қилинади.

Ҳашарда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларнинг фаол иштироки кўзда тутилган. Тадбирни юқори савияда ташкил этишда туманлар ҳокимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари зиммасига катта масъулият юкланган.

Дарҳақиқат, бу иш нафақат ташкилот ва корхоналар, балки пойтахтда истикомат қилаётган ҳар бир ҳамшаҳримиз манфаатларига ҳам қаратилгандир. Шундай экан, азиз ҳамшаҳарлар, келинг, умумшаҳар ҳашарида фаол қатнашиб, ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати

14 февраль — Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди куни

УЛУҒ АЖДОДЛАРГА
ЭҲТИРОМ

Шу кунларда ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намояндаси, шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллиги муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтган «Буюк аждодларга муносиб эҳтиром» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда истиқлол йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий ўзлгимизни англаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш, асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни кенг тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилётгани таъкидланди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бе-назир шоир ва олим сифатида жа-ҳон адабиёти ва илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Унинг бетак-рор шеъроти, Шарқ халқларининг турмуш тарзи, урф-одатлари, таби-ати ва қадриятлари ҳақида муфассал маълумот берувчи асарлари инсо-ниятни асрлар оша қомилликка ва ўзаро ҳамжиҳатликка қорлаб келмоқ-да. Айниқса, адибнинг тарих, тил-

шунослик, ҳуқуқшунослик, мусиқа ва жўғрофияга оид нодир асарлари ўтмишимиз, бой маънавий мероси-миз ҳақида қўллаб маълумотлар бериш билан бирга, ўзлгимизни англашда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётди.

— Буюк бобокалонимизнинг элнинг хурматиға сазовор бўлмоқни иста-санг, хулқингни рост қил, тўғрили-ка одатлан, деган ўғитлари биз, ёшлар учун ибрат манбаидир, — дейди коллеж ўқувчиси Мадина Обидова. — Бу ҳикматли сўзлар бизни яхшилик сари етаклайди, аждодларимизнинг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишга, саховатли, меҳр-оқибатли, билимли инсон бўлишга даъват этади.

Тадбирда шоир асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этилиб, ғазалларидан намуналар ўқилди.

Б.МЕЛИКУЛОВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбек мумтоз адабиёти узоқ тарихга эга. Минглаб етук ижодкорлар ўзбек халқининг фахри ҳисобланади. Серқирраликда, сермахсулликда, бадий баркамолликда Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижоди бетакрордир.

БУЮК СИЙМОЛАР
ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

Яккасарой туманидаги 118- ва 144-умумтаълим мактабларида ўтказилган маънавий тадбир икки буюк сиймо ҳаёти ва ижодиға ба-ғишланди.

— Буюк мутафаккирлар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг барҳаёт асарлари нафақат бизнинг юр-тимизда, балки дунё мамлакат-лари нигоҳида ҳам асрлар оша ўзига хос ўрин эгаллаб келмоқ-да, — дейди Маънавият тарғи-бот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари Баҳодир Юсу-пов. — Айни кунларда шахри-мизнинг барча ўқув ва маъна-вият-маърифат масканларида икки улуғ шоирнинг таваллуди-га бағишланган қатор тадбир-лар, учрашувлар ўтказилмоқда. Бизнинг туманда жойлашган таълим муассасаларида ҳам бундай тадбирлар юқори савия-да ташкил этилди. Тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларни ко-

мил инсон қилиб тарбиялаш, улар онгига ватанпарварлик ру-ҳини сингдиришдан иборатдир.

Юқоридаги тадбирларда Ўзе-бистон халқ ҳофизига Ҳасан Ража-бий, Ўзбекистон халқ артистлари Теша Мўминов, Афзал Рафиқов-лар иштирок этиб, икки улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди, улар яратган адабий мероснинг ёшлар ҳаётидаги тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритишди.

Ўқувчилар томонидан улуғ сий-молар асарлари акс этган дево-рий газета, реферат ва буклет-лар тайёрланиб, кўргазма таш-кил қилинди. «Алишер ва Бобур Мирзо халқ ривоятларида», «Мо-зийга қараб иш кўриш хайрли-дир» деб номланган саҳна кўри-нишлари намойиш этилди. Ўқув-чилар ижросидаги миллий рақс ва дуторда ижро этилган куй ва кўшиқлар томошабинларга ман-зур бўлди.

Зиёда РАСУЛОВА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмасининг 2013 йилдаги фаолияти таҳлили ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган йилги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, лизинг, сугурта компаниялари, тижорат банклари раҳбарлари, мутахассислар иштирок этди.

Лизинг берувчилар уюшма-си бош директори З.Мустафо-ев, Ўзбекистон банклар ассо-циацияси раиси С.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолиги-да мамлакатимизда лизинг соҳа-сида амалга оширилаётган из-чил ислохотлар жараёнида лизинг соҳасини замонавий талаблар асосида ривожлан-тиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бунинг самарасида лизинг операциялари улуғи йил сай-ин кўпайиб, бу жараёни амалга оширувчи банклар, ли-зинг компаниялари ва кредит уюшмаларининг сафи тобора кенгаймоқда.

Мамлакатимизда лизинг фаолиятини янада ривожлан-тириш, молия бозори инфра-тузилмаси муассасалари фа-

Қарор ва ижро

ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ ҲАЖМИ
ОРТМОҚДА

олиятини такомиллаштириш ва банкдан ташқари молиявий хизмат кўрсатиш тизимида ра-қобатбардорлиқни ошириш учун мустақам ҳуқуқий асос ва кенг имтиёзлар яратилган. Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида лизинг хизматларини янада ривожлантириш ва тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2013 йил 23 октябрда имзоланган «Га-ров реестри тўғрисида»ги

қонун шулар жумласидандир. Мазкур ҳужжатлар лизинг хиз-матларининг замонавий бозор талаблари асосида такомил-лаштиришга, ўз навбати-да, ишлаб чиқаришни модер-низациялаш, хусусий тадбир-корлик ва рақобатни ривож-лантиришга хизмат қилаётди. 2002 йилда лизинг фаоли-яти билан шуғулланган субъек-тлар ўн еттигити ташкил эт-ган бўлса, ҳозир уларнинг сони қарийб юзтага етди. 2013 йилда лизинг хизматлари бо-зорида умумий миқдори 805,2

миллиард сўмликдан зиёд 6 минг 690 дан ортиқ битим им-золанди. Натижада лизинг операцияларининг жами пор-тфели қиймати бир триллион 511 миллиард сўмдан ошди. 2012 йилга нисбатан лизинг хизматлари миқдорининг ўсиши қарийб 36 фоизни таш-кил этди. Тузилган битимлар-нинг 37,5 фоизи қишлоқ хўжа-лиги техникаси, 24,8 фоизи юк автотранспорти ҳиссасига тўғри келади.

Лизингга олинган техника учун тўловлар босқичма-бос-

қич амалга оширилади. Бу муддатда техникадан фойда-ланиб ишлаб топилган маб-лағнинг бир қисми лизинг тўловларини қоплаш учун йўналтирилади. 2013 йилда «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компанияси қишлоқ хўжалиги корхоналарига 271,5 милли-ард сўмлик, «Ўзавтосаноат» лизинг компанияси 65,9 мил-лиард сўмлик лизинг хизмат-лари кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ ли-зинг тўловлари қўшилган қий-мат солиғидан, лизингга бе-риш учун хориждан мамла-катимиз ҳудудиға олиб келин-ган техника ва ускуналар божхона тўловидадан озод қилинган. Шунингдек, лизинг шартномаси амал қиладиган муддатларда лизингга бе-рилган мулкка солиқ тўлан-майди.

Тадбирда лизинг хизматла-ри сифатини ошириш ва ти-зимни янада такомиллашти-риш юзасидан фикр-мулоҳа-залар билдирилди.

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Юнусобод туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини таш-кил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳ-барларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланади-ган жамоат ишларини ташкил этиш таъ-минлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқа-ролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари-нинг маҳаллий давлат ҳокимияти орган-ларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблаг-лари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга қўмаклашиш дав-лат жамғармаси маблаглари ҳисобидан; бошқа корхона ва ташкилотлар бўйи-ча 75 фоизи иш берувчилар маблаглари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъмин-лашга қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳоли-ни ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жа-моат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишиға қабул қилинганлиги тўғри-сидаги маълумот 3 кунлик муддатда мар-казга ёзма равишда хабар қилинсин;

3. Туман Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мар-кази (Б.Мелиев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари то-монидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажари-лиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин; ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисоб-га олинсин.

4. Юнусобод тумани ҳокимининг 2013 йил 28 июндаги «Юнусобод туманида 2013 йилда ҳақ тўланадиган жамоат иш-ларини ташкил этиш тўғрисида»ги 560-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўрин-босари А.Салихов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими
Ш.Азимджанов

2014 йил 20 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тош-кент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК
СУБЪЕКТЛАРИ
ОНЛАЙН ТИЗИМИДА
РЎЙХАТДАН ЎТАДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратилаётди. Янги иш бошлаётган тадбиркорларга давлат рўйхатидан ўтиш борасида яна бир енгиллик жорий қилинмоқда.

Жорий йилнинг январь ойидан бошлаб янги очилган тадбиркорлик субъектларини интер-нет орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ишлай бошлади. Рўйхатга олиш жараёнида электрон шаклга ўтказиш тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитларни яра-тиш мақсадида ташкил этилмоқда. Бунда тад-биркорлар ўз корхона ва фирмаларининг таъ-сис ҳужжатларини ягона давлат хизматлари ин-терактив портал My.Gov.uz орқали тақдим этиб, электрон рўйхатдан ўтказадилар. Тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказиш жараёни тегиш-ли иловаларда электрон ариза бериш, шунинг-дек, давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва бошқа таъсис ҳужжатларини элек-трон кўринишда қабул қилиш орқали амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказувчи орган тадбир-корлик субъектиға давлат солиқ ва статистика қўмиталарининг тегишли идоравий сайтлари-дан фойдаланиб, солиқ тўловчининг иденти-фикация рақами (STIR) ва (KTUT) кодларини тақдим этади.

Таъсис этилаётган мазкур тизим эндигона иш бошлаётган тадбиркорлик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўпгина қулайлик-лар яратди.

Шахзода РУСТАМОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган барча ислохотлар замирида инсон манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам.

Коммунал хизмат

БИР УЙДАГИ ТОЗАЛИК БУТУН
МАҲАЛЛАГА ТАТЙДИ

Маълумки, коммунал соҳа ҳар бир фуқароға дахлдор бўлган муҳим масалаларни ўз ичига олади. Бу борада ҳаётга та-биқ этилаётган туб ўзгаришлар, биринчи навбатда, кўрса-тилаётган хизматлар сифатини ва халқимиз турмуш фаро-вонлигини оширишга қаратилган. Хусусий уй-жой мулкдор-лари ширкатлари фаолиятида асада амалга оширила-ётган ишлар кўзгудагидек акс этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ туман ва шаҳарларда таш-кил этилган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари аҳоли фаровонлигини янада ошириш, маиший шароитини яхши-лаш, уй-жой фондини бошқариш, сифатли коммунал хизмат кўрсатишда алоҳида аҳамият касб этаётди. Бу жараёнда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда аҳолиға коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида профессионал бошқарув ком-паниялари ташкил этилаётгани соҳани янгилаш асосда ри-вожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги мавжуд кўп қаватли уйларға икки минг уч юздан зиёд хусусий уй-жой мулкдор-лари ширкати ва бир юз саксондан ортиқ бошқарув компа-нияси хизмат кўрсатмоқда. Профессинал бошқарув компа-ниялари жорий йилгача ягона ижтимоий тўловлардан таш-қари солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилган хизматлар сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, янги бошқарув компания-ларини молиявий ресурслар билан таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида уларға кредит-лар ажратилиб, коммунал хизмат кўрсатишға мослаштирил-ган юк ташуш автомобиллари лизингга берилмоқда. Бунда кредит маблагларининг 6 фоиз йиллик устама тўлаш шарти билан уч йил муддатта берилаётгани ва имтиёзли давр олти ойни ташкил этиши жиҳозларға манзур бўлаётди. Бундан ташқари, бошқарув компанияларига мамлакатимиз корхона-ларида ишлаб чиқарилаётган турли жиҳозлар ва қурилиш

материаллари арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Сергели туманидаги «Саид Оқилхон қурилиш сервис» бошқарув компанияси томонидан ҳудуд аҳолисига хизмат кўрсатиш изчил йўлга қўйилган. Мазкур компания директо-ри Асатулла Тошқўжаевнинг айтишича, ўтган йили банкдан олинган 356 миллион сўмлик кредит эвазига газ ва электр пайвандлаш жиҳозлари, сув чиқариш насослари, компрес-сорлар, турли асбоб-ускуналар, трактор, «MAN», «Isuzu» ру-сумли автотранспорт воситалари харид қилинган.

— Иш қурилиш соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди бошқарув компанияси чи-лангари Ботир Комилов. — Кейиниямиз томонидан керакли жиҳозлар ўз вақтида олиниб, ишчилар учун зарур шароит-лар яратилаётгани фаолиятимизни яхшилаш ва аҳолиға кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишда кўл кел-моқда.

Компания ҳозир «Сергели-5», «Сергели-6» ва «Қурувчи-лар» массивидаги 17 ширкат билан шартнома асосида ҳам-корлик қилмоқда. Мазкур ширкатлар ҳудудида 136 кўп қават-ли уй бор. Чикиндиларни олиб кетиш жараёнида самара-дорлиқни ошириш ва аҳолиға қулайлик яратиш мақсадида «сигналли» сервис хизмати йўлга қўйилди. Бунда ҳафта-нинг белгиланган кунлари муайян вақтда махсус машина чикиндиларни олиб кетади.

Компания кўп қаватли уйларнинг томларини таъмирлаш, қурурларни алмаштириш борасида ҳам ширкатлар билан узвий ҳамкорлик қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, аҳоли турар жойларидаги, айниқса, кўп қаватли уйлардаги умумий фой-даланиш жиҳозларининг бенуқсон ишлаши, атроф-муҳит му-саффолиги, маҳаллаларнинг тоза-озодалиги коммунал хиз-мат кўрсатиш идоралари билан бирга шу ҳудудда истиқо-мат қилувчи фуқароларнинг ўзларига ҳам бевосита боғлиқ. Зеро, доно халқимиз бир уйдаги озодлик, бутун маҳаллага татийди, деган нақлни бежиз айтмаган.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

